
Айрим ҳудудларда электр таъминотида узилишлар сабаби маълум қилинди

Энергетика вазирлиги матбуот хизмати [маълумотига кўра](#), айти пайтда “Талимаржон иссиқлик электр станцияси”(ИЭС)нинг электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган қурилмасида носозлик туфайли таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шу муносабат билан республикамизнинг айрим ҳудудларида электр энергиясида узилишлар кузатилмоқда.

Носозлик бартараф этилгач, электр таъминоти яхшиланади.

“Келтирилган ноқулайликлар учун истеъмолчилардан узр сўраймиз”, – дейилади Вазирлик матбуот хизмати хабарида.

2020-01-16 09:05:00